

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ҚАРИЧИ КЕНГ, ОДИМИ ЗАЛВОРЛИ

Ҳамма нарсани вақт ҳал қилиши бор гап. Аммо вақт танобини тортишни уйдалаганлар мақсадларига тезроқ эришадилар. Бўка тумани Хўжақўрғон қишлоғидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги хусусида шундай фикр билдириш мумкин. Зеро, 2007 йилда ташкил этилган хўжалик бугун тумандаги энг йирик хўжаликлардан бири.

55 аъзодан иборат жамоа 146 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Улар асосан пахта ва галла етиштиришади. Масалан, бу йил 70 гектар майдонда галла етиштириб, давлатга 300 тоннадан кўпроқ уруғлик дон сотишди. Уларига ҳам анча бугдой қолди.

Бугун 71 гектар майдондаги гўзанинг ривож ба- ланд. Кўчат тўлик, кўсақлар шигил.

– Кам деганда 40 цент- нердан хирмон кўтариш- ни мўлжаллаётимиз, – дейди иш бошқарувчи Саидрахим Қорабоев.

(Давоми 2-бетда).



Маънавият

БАҒРИКЕНГ ЭЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Дунё аҳолиси етти ярим миллиарддан ошди. Улар турли ирк, миллат, дину мазҳабга мансубки, бу ҳолатда ҳам Яратганнинг буюк ҳикмати, ўзига яраша синови мужассам. Парвардигор бир ота-онадан тарқалган одам болаларини ўзаро аҳилликда яшашини истади. Ва қаердаким бу истаги амалга ошса, яъни аҳиллик, бағрикенглик устувор бўлса, ўша ерга кут-баракани бисёр қилиб беради. Узаро нифок, адоват, айирмачилик авж олган ҳудудларда эса кетма-кет нохушликлар, табиий офатлар рўй бериши, обод масканлар харобага айланиши, ҳатто рўйи заминдан йўқ бўлиб кетиши инсоният тарихида исботланган аччиқ ҳақиқатдир.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлик, Ер ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлинг иш...

Этибор қилинг, Алишер Навоий ҳазратлари ўз даъватларида "аҳли ислом" демапти, "турк улуси" демапти, балки "олам аҳли" деяпти. Ай- тиш мумкинки, Ҳазрат шоиримизнинг мазкур шоҳ байтида муқаддас Исломи динимизнинг туб моҳияти – ўзаро аҳил- лик, бағрикенглик, тенг- лик, биродарликка чақи- рувчи бош гоёси акс этиб турибди. Дарҳақи- қат, тинчликпарварлик, инсонпарварлик гоёлари динимизнинг бош мақ- садидир. Ва у дунёга келибдики, ўзаро кир- финбаротлар, биродар- кушликларга қарши ку- рашиб келади.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига

ҚАДРИЯТЛАР АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Ватани севиш имондандир, дейлади му- борак Ҳадисларда. Демакки, ҳар бир имон- эътиқодли инсон ўзи туғилиб ўсган юртни, Ватанини кўз қорачиғидек асрайди, ардоқ- лайди. Республикаимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодийналари "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахши- да, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ку- тиб олинаётганининг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор.

Аслида Ватан ҳар бир киши учун ўзи туғилиб ўсган оиласи, маҳалла- дан бошланади. Бизнинг урф-одатларимиз, мил- лий қадриятларимиз энг аввало маҳаллада шакл- ланади. Айни шу дам- ларда маҳалла ҳар бир ёш авлод учун ота-она, мураббий, устоз вази- фасини ҳам ўтаётгани қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

Кўчалар равон бўлди

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносаба- ти билан Янгийўл туманидаги ички йўллар таъ- мирланмоқда.

Жумладан, "Файзобод" маҳалласи Аъзам Шерма- тов кўчасида 600 метр, Мирзо Улуғбек кўчасида эса 150 метр масофада асфальт ётқизилди. Қўшғоч қиш- логининг 360 метрга яқин йўли қайтадан янгилян- ди.

Бундай равон йўллар Янгийўл кўчаларига ўзгача кўрк бағишлаётганидан аҳоли мамун.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.

Кўрик-танлов

МАДҲИНГНИ ЖЎШИБ КУЙЛАСАМ ДЕЙМАН...

Ватан борки, ор-номусимиз, кадр-қимматимиз бор, гурури- фитхоримиз, имон-эътиқоди- миз мустақкам. Жонажон Ўзбе- кистонимизга бўлган чексиз

меҳримизни изҳор қилиш, гўзал диёримиз мадҳини юксак пар- даларда тараннум этиш – биз, фарзандлар учун шарафли бурч- дир.



Ватани шарафлай- диган, унинг тақдири учун даҳлдорлик ҳисси билан йўғрилган, маз- мунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратиш- ни рағбатлантириш, мардлик, фидойилик фазилатларини мадҳ этувчи энг яхши кўшиқ- ларни холисона танлаб,

халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим ва- зирлиги тизимида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кў- рик-танловининг ўтка- зилиши ўзига хос анъ- анага айланиб улгурди. Давлатимиз раҳбари-

(Давоми 3-бетда).

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Фуқаролик жамияти шаклланиши- ни мониторинг қилиш мустақил ин- ституту вилоят ҳудудий бўлини маси-

да "Сайловларни ёритишда омма- вий ахборот воситаларининг роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Институт мутахассисла- ри, туман ва шаҳар дав- рий босма нашрлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий, вилоят ҳамда туман ва шаҳар сайлов ком- миссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлири матбуот хиз- мати вакиллари ҳамда сайлов масалалари бўйича тажрибали экспертлар иштирок этган тадбирда мустақиллик йилларида сайлов жараёнини демок- ратлаштиришга доир му- хим ислохотлар ўтказил- ганлиги эътироф этилди. Сайловларни демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунийлик ва ташкилий-тузилмавий асослари яратилди. Сай- лов жараёнини очик ва ошқора ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали холис ёритиш муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари таъкидладики, мамлакатда оммавий ахборот восита- ларининг сайлов жараёни-



даги фаолияти бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратил- ган. Буни сайловдан сай- ловга фаоллиги ошиб бо- раётган оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўриш мумкин.

Давра суҳбатида мамла- катимизда бу йил декабрь ойида давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилаётган сайлов ва унга тайёргарлик жараё- нида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ва- зифалари, сайлов жараё- нини холис ва ҳар томон- лама мукамал ёритишда

уларнинг фаол иштироки- ни таъминлаш чора-тад- бирлари, сиёсий партия- ларга сайловдаги ташви- қоти давомида тахририят- лар ажратадиган эфир вақти ва босма майдони, сиёсий партиялар, депу- татликка номзодларнинг фаолиятини ёритишда журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мазкур йўналишда хорижий мам- лакатлар тажрибаси маса- лалари атрофида муҳока- ма этилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари- нинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривож- лантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони иж- роси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Маж- лиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Муқобил энер-

гия манбаларидан фойда- ланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" номли ки- тоби нашрдан чиқди. "Адо- лат" СДП вилоят кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди К. Шодиметов- нинг ушбу китоби "ЭКО- САҲ" экология ва саломат- лик халқро жамоат фонди ажратган давлат гранти асо- сида чоп этилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

Юрт келажаги ёшлар қўлида

СИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ

Шу юртда туғилиб, яшаб, камол топаёт- ган ёшларнинг кун- дан-кун қадамлари илдам, ният ва ис- таклари бардавом, кўкси сарбаланд, им- кониятлари эса тобора юксалиб бормоқ- да. Буни биз ёшларимизнинг муваффа- қиятларида, эртанги ҳаёт учун изланиш- лари самарасида кў- риб, гувоҳи бўлиб ту- римиз. Натижада жаҳон осмони узра байроғимиз баланд хилпиромоқда, номи- зис улуг, юзимиз ёруғ.

Бугун яна бир муваф- фақиятдан қалбимиз фахр ва қувончга, ифти- хорга тўлган. Паркент



туманидан Жавлонбек Мухсимов ва Қибрай ту- манидан ака-ука Беҳ- зодбек ва Бобурбек Бол- таев ҳамда Тошкент шаҳ- ридан Эъзоза Исаева

Тошкент Давлат педиат- рия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчилари.

(Давоми 3-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

АЛИГА АЙТГАННИНГ ВАЛИГА ДАХЛИ ЙЎҚМИ?

Вилоят ҳокимлик соатларида бирор бир ҳудуддаги камчилик кескин танқид қилинганда, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов: "Бундай ҳолатни бошқа ҳудудларда ҳам учратиш мумкин, шу боис барча шаҳар ва туман- лар раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олинг", деган гапни ҳеч қанда қилмайди. Тўғри-да, хушёр одам бировга берилган даққидан сабоқ ола- ди, дарҳол ён-атрофига қараб, ўзида ҳам шундай нуқсонлар бўлса бар- тараф этади...

(Давоми 2-бетда).



ҚАРИЧИ КЕНГ, ОДИМИ ЗАЛВОРЛИ



— Эндиги вазирамиз ҳар түп ғўзада мўлжалдагидан зиёд тўпланган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш учун август ойида зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши кураш, кўшимча ишлов ва суғоришни давом эттириши.

Ишбошининг 40 центнерни кўзлаётгани бежиз эмас. Ҳўжаликда пахта ва ғўза ҳосилдорлиги барқарор. Шу боис ҳўжалик аъзолари янги-янги тармоқларга ҳам кўл урмоқдалар.

— Бугунги фермер фақат пахтаю галла билан ўралашиб қолмаслиги керак, — дейди ҳўжалик раҳбари Саидислом Сайдуллаев. — Зеро, Президентимиз фермер ҳўжаликларини йирик-лаштириш ва кўп тармоқли қилишга ундаётганлари бежиз эмас. Биз бу ташаббусни амалда қўлаб-қувватлаётимиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фермер тўғри айтди. Тўрт гектар ерда мевали боғ барпо этилиб, олма, олхўри, гилос экилди. Боғбон Бахриддин Султонов улар парваришини ўрнига кўяпти.

Ҳўжалик бошламасига 60 та қўй ва бир неча бош қорамол, жумладан, тўрт бош соғин сигир билан чорвачилик соҳасини ҳам ривожлантириш ниятида эканини кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, боғдорчилик ҳам, чорвачилик ҳам ишнинг бошланиши, яъни келгусида асосий тармоқларга айланади.

— Биз балиқчилик билан жиддий шугуллана бошладик, — дейди тармоқ мутасаддиси Эркин Қорабоев. — Олти гектарли ҳавзаларга сазан, оқ Амур, дўнпешона чавоқларни ташлаганимиз. Куз охирига қайта қўриб, айланиб балиқчилик бошлаймиз.

Самад Йўлдош. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

Юқори Чирчиқ тумани

ДАВРАЛАРДА ЯНГРАЙДИ ҚЎШИҚ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамда маънавият ва маърифат маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Жумабозор" маҳалласида тadbир ташкил этилди.

Унда туман партия фаоллари, қишлоқ аҳолиси, ёшлар, устоз ва мураббийлар, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари иштирок эттиди.

Истиқлолнинг 23 йиллигига бағишланган энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан ўтказилган давра суҳбатида сўзга чиққанлар юртимизда содир бўлган катта ўзгаришлар, янги қурилган иншоотлар, спорт, санъат, таълим соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида тўққизлаб гапиришди.

Тadbир сўнгида Ватанимизнинг энг азиз шеври ва қўшиқлар янгради.

Наргис МАМАТКУЛОВА.

Пискент тумани

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛанаДИ

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрамими кўтаринки руҳда қутиб олиш ва муносиб нишонлаш мақсадида жойларда қизғин тайёрлик ишлари олиб борилиб, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кунги кеча тумандаги "Бекобод", "Мингтепа" маҳаллаларида байрамолди ҳашар уюштирилди. Иккала маҳалланинг барча аҳолиси фаол иштирок этган ҳашарда кўча ва майдонларга янговий гуллар экилиб, дов-тархталар қиёфаси тартибга келтирилди. Шунингдек, автомобиль йўллари таъмирланиб, ҳайдовчиларга қулайлик яратилди. Кўчаларга тунги еритиш чироқлари ўрнатилди.

Шу каби хайрли ишлар туманининг "Мўминобод", "Янгиобод", "Мингтепа" маҳаллаларида ҳам давом эттирилди.

Умида ИСАЕВА.

Қарор ва ижро

Республика Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси-

ни таъминлаш мақсадида, "Ергеодезкадастр" давлат кўмитасининг буйруғи билан "Ермулкдастр" давлат корхоналарида "Бир ойна" бўлими фаолияти ташкил этилди.

МАҚСАД — ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бўлимнинг асосий вази-фаси фуқаролар ва тadbиркорларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган рўйхатидан ўтказиш бўйича келиб тушадиган аризаларни бир жойнинг ўзида қабул қилиб, вақтида бажарилишини, мулк эгасига топширилишини таъминлашдир. Шу билан бирга бўлимда юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари интерактив хизматлар ёрдамида давлат рўйхатидан ўтказилапти.



Шу йилнинг 6 ойи давомида "Бир ойна" бўлимида 40 мингдан зиёд бюуртма қабул қилган. Лекин афсуски, айрим ходимларнинг эътиборсизлиги тўғрисидаги бюуртмаларнинг 121 таси ўз муддатида бажарилмаган.

Вилоят "Ермулкдастр" давлат корхонасининг www.tvkad.uz расмий веб-сайти ишга туширилган бўлиб, унда кўрсатилган хизматлар тури, нархлар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида барча маълумотлар берилган ва электрон муносабатлар тизими ҳам яратилган.

— Шу йилнинг 7 январида Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди, — деди корхона раҳбари Мурод Фанихўжаев. — Унга мувофиқ "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ўҳада тўзилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Низом талабларига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш

муддати 2 кундан 7 кунгача қилиб белгиланди. Яъни, зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганда давлат рўйхатидан ўтказишга 2 кун, ҳужжатларда тўзатишга вақт талаб қилинадиган камчиликлар топиладганда 7 кунгача вақт берилди.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказиш органига ўзларининг танловларига кўра электрон ҳужжат кўринишида ҳам муносабат қилишлари мумкин. Бугунги кунда, "Ергеодезкадастр" давлат кўмитаси mu.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари порталида ушбу хизматларни ташкил этди.

Маълумки, Фуқаролик кодексига кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дархталар, шунингдек бинолар ва иншоотлардан иборатлиги таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга Кодекснинг 84-моддасида кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши

кераклиги кўрсатиб ўтилган. Ваҳоланки, юқоридаги Низом тасдиқланишига қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг кўп йиллик дархатларга (боғлар, узумзорлар, тўгзорлар ва бошқа ўрмон дархатлари) бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланмаган эди.

Низомда фуқароларнинг ер участкасига ҳуқуқини белгилловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, уларга кўп йиллардан бери фойдаланиб келинаётган ер участкасини расмийлаштириш тартиби белгиллаб ўтилган. Бунда фуқаронинг ер участкасидан амалда фойдалангани учун сабаб бўлган ҳолатлар акс эттирилган аризаси "Ермулкдастр" давлат корхоналарида қабул қилинади, аризага ер участкасига ўн беш йил давомида ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгаллик қилинганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади ҳамда 7 кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳаси тайёрланади ва тасдиқлаш учун киритилади.

Бу жуда қулай, яъни тadbиркор ёки фуқаро кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга муносабат қилишда ушбу хизмат тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади ва ортиқча овозгарчиликка йўл қўйилмайди.

Тadbиркор ва фуқаролар агар қонуний ҳуқуқлари туман (шаҳар) "Ермулкдастр" давлат корхонаси ходимлари томонидан бузилса, вилоят "Ермулкдастр" давлат корхонасидаги (+99895) 199-17-73 рақамли "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"га кўнгиноқ қилишлари мумкин.

Ҳушида ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Яна бир муҳим жиҳат. Тadbиркорлар гаровга кўйган кўчмас мулк эвазига банклардан кредит олиш янада соддалаштирилгани сабабли ипотека шартномаларини рўйхатдан ўтказиш бир кунда амалга оширилиши белгиллаб қўйилди.

Мурод Фанихўжаевнинг айтишича, 1 августдан бошлаб кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар, кўчмас мулк объектларини ижарага бериш ва ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, нотариал идораларга маълумотномалар бериш, шахсий тураржой мавжудлиги тўғрисида маълумотномалар бепул берилиши йўлга қўйилди.

Кўчмас мулк объектларини инвентаризациядан ўтказиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун табақалаштирилган нархлар, яъни, нотураржой, яъки тартибдаги уй-жой, кўп қаватли квартиранинг умумий майдонига қараб энг кам иш ҳақига боғланган ҳолда нархлар белгиланди. Мисол учун, яъки тартибдаги тураржой кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун унинг 1 метр квадрат майдонини учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориде, қишлоқ жойларда эса умумий майдони 100 метр квадратдан ортиқ бўлган уй-жой учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баавари миқдориде тўлов тўланиши кўрсатилди.

Бу жуда қулай, яъни тadbиркор ёки фуқаро кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга муносабат қилишда ушбу хизмат тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади ва ортиқча овозгарчиликка йўл қўйилмайди.

Тadbиркор ва фуқаролар агар қонуний ҳуқуқлари туман (шаҳар) "Ермулкдастр" давлат корхонаси ходимлари томонидан бузилса, вилоят "Ермулкдастр" давлат корхонасидаги (+99895) 199-17-73 рақамли "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"га кўнгиноқ қилишлари мумкин.

Ҳушида ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Маънавият

БАҒРИКЕНГ ЭЛ ФАРЗАНДАРИМИЗ

Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинган бир Ҳадиси шарифда "(Айб-сиз) зимминий ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини хидлама! Жаннатнинг ҳиди эрса қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради!" дея марҳамат қилинади. Зиммий бошқа динга мансуб киши бўлиб, унга бесабаб озор берган кимса билан қиёмат кунини хусуматлашаман, дейди Расули ақрам (с.а.в.) бошқа бир Ҳадисда.

Ҳазрат Умар (р.а.) даврида Миср ҳокими бир ғайридин аёлнинг уйини бузиб, ўрнига масжид қурдиради. Аёл шикоят қилиб келгач, Ҳазрат Умар (р.а.) воқеа тафсилотини суриштириб билади. Маълум бўлишича, аёлнинг ҳовлиси ўз нарҳидан ҳам кўпроқ пулга сотиб олинганидан кейингина бузилиб, ўрнига масжид қурилган экан. Шундай бўлса-да, Ҳазрат Умар (р.а.) аёлнинг норозилигини ҳисобга олиб, масжидни бузиб ташлаб, уйни эгасига қайта қўриб беришни буюради. Ислоҳ динининг, ислом кишисининг бундай бағрикенглигидан таъсирланган аёл имон келтириб, Исломини қабул қилади.

Ҳазрат Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг машҳур Видо ҳақида қилган хутбаларида Ислоҳ кишиси амал қилиши керак бўлган энг муҳим, энг зарур ақидалар, насихатлар айтилган. Жумладан, диний бағрикенглик масаласига алоҳида ургу берилган ҳам, бу турли миллат, дин вакилларининг ўзаро аҳил-

ликда, биродарликда яшашининг на қадар муҳимлигини аниқлашди. "Ҳой одамлар, албатта, Раббингиз бирдир... ҳаммангиз Одамнинг болаларисиз... Арабининг аямдан, аямнинг эса арабдан, қизил танлининг оқ танлидан, оқ танлининг эса қизил танлидан ҳеч қандай устунлиги йўқ, магар бўлса, тақво биландир!" Дарҳақиқат, кишининг маълум бир динга ёки миллатга мансублиги, унинг бошқадан устунлигини аниқламайди. Аллоҳ наздида одамлар худди тароқнинг тишларидек тенгдир.

Биз яшаб турган минтақада, жумладан, юртимизда ҳам, тарихдан маълумки, қадимдан турли йрқу миллатга мансуб, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи халқлар аҳилликда яшаб келишган. Бизда ҳеч қачон кам сонли миллатлар, дин вакиллари камситилмаган. Миллий ўзлиги ва ақидавий қарашларига даҳл этилмаган. Бунга халқимизнинг бағрикенг табияти ҳамда тинчлик, тотувлик каби юксак инсоний ғояларни ўзида мужассам этган динимиз ақоидлари йўл бермаган.

Масалан, аллома аждодимиз Абу Мансур Мотурудий ўзининг "Тиловат аҳли сунна" асариде Куръон оятларини тафсиридан келиб чиқиб, "Черков ва синагогаларни айрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмон ўлкаларда шу давргача улар сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир", деган фикрни

билдиради. Бу эса эътиқод эркинлиги, диний бағрикенгликнинг энг ибратли намунаси эмасми!.. Ва худди шу исломий ақида бугунги кунда, мустақил мамлакатимиз қонун ҳужжатларида ҳам акс эттирилгани ва амалда 130 миллат вакиллари бир ота-она фарзандларидек истиқомат қилишадигани, ўз диний, миллий урф-одатларига амал қилишлари учун ҳар томонлама имконият, шароит яратиб бериладигани, бу асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий-диний қадриятларимизга садоқатнинг, эътиборнинг ёрқин намунасида. Вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, 221 исломий, 50 та ноисломий ташкилот (насронийлар, буддавийлар ва баҳоийлар жамоаси ибодатхоналари) диндорларга хизмат кўрсатади. Турли миллат, дини мазҳабга мансуб вилоятимиз аҳли ўзаро аҳил, бағрикенгликда яшаб келишмоқда.

Бобомерос қадриятларимиздан бўлмиш диний-миллий бағрикенглик ва уни давлатимиз Бош Қомусида ва тегишли қонун ҳужжатларида акс эттирилиб, шу асосда иш олиб бориладигани, бугунги кунимизда, айниқса, мустақил юртимиз равнақида, осуда, тўқин ҳаёт барпо этишдек муқаддас ишмида эришадиган муваффақиятларимизнинг бош омил бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиздир.

Хайрулла ТУРМАТОВ, вилоят бош имом-хатиби.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига

ҚАДРИЯТЛАР АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ШАКЛЛанаДИ



Ушбу йилда маҳалламизнинг 48 нафар ёшлари касб-хунар коллежларини тамомлади. Уларнинг кўпчилиги "Ўзметкомбинат" ОАЖга ишга жой-

лаштиди. Унга яқин қизлар касаначилик цехида хунар ўрганиб, ишлаб бўлишди. Оилавий тadbиркорликни янада кенг ривожлантириш мақсадида маҳалламиз қизларини қисқа ўқув курсларида ўқитмоқдамиз.

Соғлом бола йили муносабати билан жойларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оила маданиятини юксалтириш, экологик тарбияни кучайтириш мақсадида кенг қамровли ишларни олиб бораямиз. Чунинчи, "Соғлом онадан — соғлом фарзанд" мавзусидаги давра суҳбати кўпчилигида

яқши таассурот қолдириди. Яқинда маҳалламизга бир гуруҳ олим ва шoirлар, таниқли санъаткорлар ташриф буюришди. Учрашув маҳаллошаримизга қувонч ва завқ бағишлади. Шундай дамда бор севгимиз ва садоқатимизни Ватанга бахшида этгани келади. Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиянларига тобора яқинлашар экан, қалбимизни гурур ва ифтихор туйғуси чулғаб бораверсади.

Нишонбой РАҲМОНБЕРДИЕВ, Бекобод шаҳридаги "Металлург" маҳалла оқсоқоли.

ИМКОНИЯТДАН УНУМЛИ ФойДАЛаниНГ

Зангиота туманидаги Ўзгариш қишлоғи "Пастдаркон" маҳалласида истиқомат қилаётган 2530 нафар фуқароларнинг ишга яроқлиларининг барчаси фойдали юмуш билан банд.

Пастдарконлик Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда тadbиркорликни кенг йўлга қўйишмоқда. Хар йили

кўплаб хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда. Яқинда "Абдуфаттоҳ ота" автомобилларга техник хиз-

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

АЛИГА АЙТГАННИНГ ВАЛИГА ДАҲЛИ ЙЎҚМИ?

Одатда газетамизда шахар ёки туманлардан биридаги аҳволга танқидий ёндашганимизда, биз ҳам эсаётган гапларимизни фақат шу худуддагиларгина эмас, балки вилоятдаги барча ўқийди ва мақолаларимиз катта ижобий самара беради деб умид қиламиз. Аксарият ҳолларда шундай бўлади ҳам. Аммо, ниятимиз ҳар доим ҳам бир хилда амалга ошавермас экан.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 1 февраль сонидеги "Ҳашга тегаётган курмақлар", 8 февраль сонидеги "Дархатлар кимнинг маҳрига тушган?", 23 апрель сонидеги "Пешлавахдаги кемтиқлар" мақолаларидан кейин кўпгина жойларда


ги ўзгаришларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Оққўрғонга бориб эса, бу тумандагилар ҳам газетамизни ўқишармикин, деган андишага бордик. Кўча четидаги дархатларга ким нимани хоҳласа миҳлаб ташлайверган. Транспорт ҳаракатланадиган йўлнинг икки четию пиёда юрадиган йўлларга турли ҳажмдаги рекламалар бетартиб қўйилган. Уларга буюртма берганлар ҳам, тайёрлаганлар ҳам ўзбек тили имлосидан анча йироқ кимсалар шекилли, реклама матнларидаги ҳар икки сўздан бири хато ёзилган.

Тилимизгаки эътибор шундай бўлгандан кейин, республикамиз қонунларидаги ташқи рекламани жойлаштириш ва экологияга муносабат ҳақида-

ги талаблар хусусида гапириш, бу туманда кўчалардаги аҳволга муносабат билдирувчи бирор жонқуяр бормикан деган саволга оғиз жуфтлаш




тўғри бўлармикин? Туман марказидаги манзаралар акс эттирилган ва матнга илова қилинган расмлар қайси кўчада суратга олингани-



ни аниқ айтолмадик. Сабоби — кўчанинг бошидан охиригача юриб, бирор жойда унинг номи битилган лавҳа тополмадик. Ё номи кўз-кўз қилишга аризилиқ эмас, ёки оққўрғонликларнинг бу кўчани қандай аташ ҳақида ўйлаб қўришга фурсатлари йўқ...

Газетамиздаги аввалги мақолаларни ўқишмаган бўлса, бу галгисини ўқишар, газета ўқишни ўзларига эп кўришмаса, ўқиганлардан эшитишар ва шунга яраша худоса қилишар деган умидда шу мавзуда яна бир қоралама тайёрладик. Унга муносабати эса, туман раҳбариятининг жавобию кўчалардаги ўзгаришлардан билиб олармиз.

Тўнғич БЕК. Даврон Аҳмад олган суратлар.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Спорт

БИЛАГИ ЗҲҲРЛАР МАЙДОНДА

Янгийул туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида универсал жанг бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда 50 иштирокчи 3 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳслашди.



Ҳаёт сабоқлари

Раҳмонали ярим тунда алаҳсираб уйғонди. Товуқ катагидек ётоқнинг деразаси ланг очиб кўйилганига қарамай, хона қизиб кетган, ҳаво етишмасди. Лоҳас ҳолда кўрган тушини эслашга уринди. Яна ўзи яшайдиган кўп қаватли "дом" остидаги бозорда юрганмиш. Ёнида раҳматли турмуш ўртоғи Нодира жилмайганча, турганимиш. Бошига оппоқ дурра ўраган жувон кўллари билан юзини яшириб: "Сиздан ҳам, аёлингиздан ҳам уяламан", дермиш. Сиз Нодирамга икки томчи сувдек ўхшаркансиз,

ОҚ ДУРРА



у автоҳалокатда ўлган, умрингиз уникига ўшамасин. Сиз нолиманг, дермиш жувон, фарзандларингиз сизнинг қанотларингиз, белингизнинг қуввати... Сиз мени, оиламни қаёқдан биласиз? Мен сизни билмайман-ку, деганча уйғониб кетди... Бозорда бир гапириб, ўн куладиган, шаддод бир қиздан ул-бул харид қилиб юрарди. Бир гал бу қиз ўз моли қолиб, ёнидаги оқ дуррали жувоннинг мева-ларини мактаб, ўтказишга уринди. Раҳмонали анча вақт жувоннинг нури чехрасини кўз олдидан кетказолмай юрди. Раҳматли Нодирасиди янги хусн-латофатни, ҳаёибони шу жувонда кўрган-дек эди гўё... Раҳмонали илм кетидан бориб кам бўлмади. Ўзи таҳсил олган институтда домла бўлиб, аниқ фанлар бўйича номзодлиқни ёқлади, олим даражасига етди. Бу орада рафикаси Нодира билан тўрт ўғил, икки қизли бўлишди. Болалар улғайиб, уйли-жойли қилиш тараддули бошланиб, ширин ташвишлар оғушида дорюшганда... Раҳмонали оиладаги паст-баланди тўғрилайман, ўғил-қизни жойлайман, деб елиб-югурди.

Кўшимча даромад топиш учун беш-ўн талабага репетиторлик қилди. Уйга яқин бир коллеждан бўш кунига дарс соати олди. Бирорта санаторийга бориб дам олмади. Бир байрам баҳона ҳамма фарзандлар ота уйда ҳам бўлдилар. Домла анчадан буён айтмоқчи бўлган гапини юрак ютиб айтди: - Болаларим, мана ҳаммаларинг оилалар, фарзандлисизлар. Энди ўз арваларингизни ўзларингизнинг тортинглар. Мен ўзим учун ҳам яшай. Уша кун байрам ўғилларга ҳам, қизларга ҳам татимади. Оталари билан совуққина хайрлашди. Эрта сиз кунни домла келинлари тутқазиб юборган кийим-кечаларни кўтарганча, шаҳардаги каталакдек уйга равона бўлди. Энди ўғилларининг ҳам қизларининг ҳам, қадамни узилиб қолган. Фақат катта ўғил ахён-ахёнда кўнгирак қилиб, хол сўраган бўлади. - Майли, шуниси га ҳам шукр. Ҳеч бўлмаганда теле-фонда гаплашиб турибмиз-ку. Укаларининг кунни бир нави ўтаётки, акиси индамади, деб ўзини юпатиди. Шу танҳоликни айтмасе, домланинг бўш вақти жуда кам. Институтда талабалар куршо-вида соатлар, кунлар ша-молдек ўтади. Фақат кеч-курунлари ўзига бир дил-каш суҳбатдош, ҳамроҳ кераклигини ҳис қилади. Шунда бозорга шошилади. Мева-чевалар сотиладиган раста томон энтикиб-энтикиб оидимлади. Нодирасига жуда-жуда ўхшаб кета-диган уша оқ дуррали жувонни ахтарди. Ана у... Ногоҳ жувоннинг мулоийим кўллари домлага тушади. Кўзлар тўқнашади. Кўнги-лар бир-биридан сув ич-гандек бўлади. Домла бо-шини охишта тебратиб, сўрашади. Жувон ҳам дом-ланинг камтарона илтифо-тини жавобсиз қолдирмай-ди. Табассум билан сасиз саломлашади. Раҳмоналига шунинг ўзи кифоя. Хонасида ейилмай, уюлиб ётган эса-да, жувондан кўп-кўп мева харид қилади. Сўнг керагидан ортиқ пул таш-лаб, қайтимини сўрамай, кўп қаватли "дом"даги хонасига шошилади. Жувон домланинг орқасидан нимадир демокчи бўлади, аммо журъати етмайди. "Эртага албатта келадилар, шунда бундай қил-манг, қайтимини олинг, дейманг" деб ўзига ўзи сўз беради... Собиржон ИНОМОВ.



Шу кун мураббий Абдуфаттоҳ Шерматовнинг шогирдлари яши натижаларга эришишди. Фахриддин Иминов, Юсуф Сулаймонов, Муҳаммадали Рашидов, Жасур Норбоев мусобақа йўлларига айланишди. Махлий ИСРОИЛОВА. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар, - 18-20 август кунла-

ИЙГИТЛАРГА

Ҳайқиради халойиқ ийигит чиқса майдонга, Ҳар зарбининг шамоли тўқин бўлар уммонга, Йўлдан адашма ўғлон, хайр бериш шайтонга, Отинени мин, тулпорни чу деганга чиқарган, Курашмоқни, енгмоқни чидаганга чиқарган.

Йигит бўлсанг қирга чиқ, асло ўрга тушмагин, Дарёлар кеч, тоғдан ош, лекин шўрга тушмагин, Фақат қолма иснодга, тирик гўрга тушмагин, Доим олга юрмоқни шер деганга чиқарган, Чидам билан саботни чидаганга чиқарган.

Девдай ийигит ўтирар кийим сотиб бозорда, Юртдан кетиб, қай бири юрар очик мазорда, Ётиб олар ишқмас чойхона ё гўзарда, Ориятни, гурурни эр деганга чиқарган, Йигитмисан, меҳнатни чидаганга чиқарган.

Улгай ийигит, сафга кир, давангир эр бўлгансан, Лайча бўлма, ит бўлма, интилсанг шер бўлгансан, Эпюлмасанг эрликни юз тубан ер бўлгансан, Йигитликни от миниб ҳув деганга чиқарган, Бу дунени бек ийигит, чидаганга чиқарган.

Сенга кўз тикиб турар, бу - сени туққан Ватан, Оқ сут бериб, жонингга жонини суққан Ватан, Аждодларинг ғайрати қонингга оққан Ватан, Кўшингни шу осмон, шу Ватанга чиқарган, Унга ўғлон бўлмоқни чидаганга чиқарган.

Нурали ЖАЛИЛ.

Жиноятга жазо муқаррар

Тиниб-тинчмаган одамлар нималарни ўйлаб топишмайди! Бугун санокли сониялар ичида дунёнинг бир бурчагида туриб, нариги нуқтага билан бемалол боғлашиш мумкин. Электрон ҳамён - пластик карточкаларни айтмайсизми? Нақд пулсиз истаган ҳисоб-китобни осон амалга оширасиз. Ҳам вақтдан ютасиз.

Сирасини айтганда, пул муомаласининг бу замонавий усули бутун дунёда пул-кредит сисёати раванқига бекиёс хизмат қилиши баробарида, аҳоли фаровонлиги, молиявий таъминоти барқарорлиги муаммосининг энг мақбул ва хавфсиз ечимига айланган сир эмас. Пластик карточкадаги маблағ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида исталган тўлов учун ўз қиймати билан қабул қилиниши ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича кафолатлаб қўйилган. Шундайку-я, лекин ора-мизда айрим устаси фаранглар борки, улар амалдаги қонун-қоидаларни четлаб, фуқароларнинг пластик карточкаларидagi маблағларни катта фоизлар эвазига, турли ноқонуний йўллар билан нақдлаштириб беришга уриниб, жиноят содир этмоқдалар. Негаки, қадимдан қолган бир гап бор: нақди - асал. Бу гап моҳиятан анча эскирган бўлса-да, хануз айрим инсонлар онгига шундай маҳкам ўрнашганки, бу ҳол биз айтаётган баъзи кимсаларнинг тегириғида сув қуюётган бўлса, ажабмас.

Шерзод Ҳасанов Жиззахнинг Арнасайидан. Шу кўламда 33 ёшини қарши олди. Оилали, икки фарзанд бор. Демакмиш, шу чоққа оқ-қорани таниган, ҳалол нимаю ҳаром нима эканини фарқлай билиши лозим бўлган йигит. Аммо, нафс кутқиси ёмон экан. Пул дегани одамни ўтдан олиб, чўгга отаркан. Йўқса, икки бор судланди, ҳатто жиноий режа тузиб, аҳолининг иш ҳақи туширилган пластик карточкалардаги маблағларни нақдлаштириш "операциялари"ни амалга ошириб келган. Гуруҳ аъзолари аҳолининг пластик карточкаларини йиғиштириб олиб, улардаги маблағни келишув асосида 10-12 фоиз ҳақ эвазига нақдлаштириб, назорат қилинмайдиган тарзда мўмай фой-

тил бириктириб, 100 миллион 922 минг сўм нақд пулга алмаштиради. Шунингдек, жиноий гуруҳ иштирокчилари, ўзаро ҳисоб-китоб учун тутилган 2 та "қора дафтар" да ёзилишича, аҳолидан 1 миллиард 378 миллион 587 минг 400 сўмлик пластик карточкаларини олиб, 10 фоиз "хизмат ҳақи" эвазига нақдлаштириб беришган. "Хизмат ҳа-

ТАЙЁР ОШГА МАЗАХҲҲРАК

да қўришнинг кетига тушишган. Карточкалардаги маблағларни ўзларига қарашли савдо ва хизмат кўрсатиш нуқта-ларида, шунингдек, атрофдаги тадбиркорларга тегишли терминалларда пешма-пеш ечиб олаверилган. Шу тариқа савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятдан тушган нақд пуллари банк кассасига топширмай, тараллабеод кирдикорларини ривожлантириб бора-верилган. Шу тариқа Шерзод 2013 йилнинг июль ойига қадар аҳолидан йиғиб олинган 107-108 миллион сўм атрофдаги пластик карталардаги пулни, 7 фоизлик чегири-ма эвазига, Янгийул туманидаги "MM MAKS PETROL" автотомобилларга ёқилиш қўйиш шохбосчаси ходими Ботир исомли киши билан жиноий

кининг 6,8 фоизи пулни бевосита алмаштирган танишлариди, 3,2 фоизи эса, яъни 43 миллион 995 минг 690 сўм нуқонуний фойда сифатида ўз киссаларида қолган. Яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари давлат ва халқ манфаатларига катта миқдорда моддий ва маънавий зиён етказиб келаётган ушбу кирдикорларнинг ўз вақтида фош этишди. Оққўрган тумани марказидаги "Беҳруз Сервис" хусусий фирмасига қарашли озиқ-овқат дўкони-

да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.



да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.

да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.

да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.

да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.

да ўтказилган дастлабки тезкор текширув жараёнида 132 миллион 594 минг 800 сўм пул бўлган пластик карта ва 11 миллион 29 минг 300 сўм нақд пул ҳамда жиноий "электрон ҳамён операция"си қайд этиб боририлган кўп муқовали дафтарлар мавжудлиги аниқланди. Оққўрган туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқитувчиман, - дейди суд мажлисида гувоҳ тарикасида сўроқ қилинган фуқаро Хур-олиб қолишларини айтишди. Нақд пул жуда зарур бўлиб тургани учун кўнмасликдан бошқа иложим йўқ эди. Кейинчалик ҳам уларга бир эмас, бир неча бор ишим тушди... Бу бир ўқитувчининг ик-рори, ҳолос. Аслида бу гуруҳ аъзолари неча-неча инсонларнинг тайёр ошига мазахххрак бўлиб, ўз милли-онлаб маблағларни термин-налдан ўтказиб, фоизини ҳазм қилиб юборишган. Буни шунчаки ҳожаббарор-лик деб бўлмайди. Устаси фарангларнинг кирдикорлари вақтида бар-ҳам топди. Жиноят ишлари бўйича Оққўрган туман суди мазкур иш юзасидан ҳақ-қоний ҳукм чиқарди. Хусу-сан, Шерзод Ҳасанов Ўзбе-кистон Республикаси Жино-ят кодексининг 188-модда-си 3-қисми "а, б" бандлари, 28, 189-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айбланиб, унга нисбатан мазкур кодекснинг 59, 60, 61, 45-моддалари қўллани-либ, икки йилга моддий жа-вобарлик ва мансабдорлик лавозимларида иш-лаш ҳуқуқидан ҳамда олти йилга озодликдан маҳрум қилин-ди. Ота-боболаримиз: "Суд-хўрлик қилма, бировнинг ҳақидан кўрк" деб ўқитиб келишган. Аслида, пластик карточкадаги маблағларни нақдлаштиришдан олинаётган фоизлар бировнинг ҳақи эмасми? Ҳарқалай, ўзгани ҳақи бировага буюрмаган, ях-шилик келтирмаган. Шерзод қаби бели оғримай нон еишига одатланганлар шунинг унутмасалар яхши эди. Ҳасанов НОСИРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабутов ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ Навбатчи Хуршида ТУРСУНБЕКОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ